

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейининг навбатдаги битирувчиларига тантанали диплом топшириш тадбири ўтказилди. Амир Темур хиёбонида ташкил этилган маросимда Фавқулдда вазиятлар вазири ўринбосари, полковник Хуршид Алибаев, ФВВ Академияси бошлиғи генерал-майор Равшан Ҳайдаров, Шаҳрисабз шаҳри ҳоқими Ш.Бўриев ҳамда вилоят МГ ва ДХХ масъул ходимлари, Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округ оркестр жамоаси, фахрий қоровули, вилоят ва Шаҳрисабз шаҳар маданият ходимлари, жамоатчилик вакиллари ва битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Тадбирда Фавқулдда вазиятлар вазири ўринбосари, полковник Х.Алибаев томонидан қисқа давр ичида ФВВ тизимидаги узлуксиз таълимни ривожлантириш, олий ва ўрта махсус таълим сифатини янада яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Ёшларга яратилган шарт-шароитлар, ҳарбий-академик лицейни тамомлаган ўқувчиларга бериладиган имтиёзлар, имкониятлар хусусида сўз юритди. Битирувчиларнинг келажақда буюк саркарда Амир Темур вориси номига муносиб, малакали мутахассис сифатида шаклланишларига ҳамда Янги Ўзбекистоннинг мустақкам қанотларига айланишларига ишонч билдирилди. Ҳар

бир ўқувчи яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимизга керакли мутахассис бўлиб етишиши зарурлиги айтилди.

Бугунги маросим нафақат битирувчилар учун балки, уларни катта ҳаяжон билан кузатаётган яқинлари ва ота-оналари учун ҳам унутилмас кун бўлди. Саф майдонида ўқитувчи ва мураббийлари, ота-оналари қаршисида қўр тукиб турган ўғлонларнинг олдида қўйган мақсадлари, эришаётган ютуқлари эса таҳсинга лойиқдир.

Дарҳақиқат, “Темурбеклар мактаби” ҲАЛ ёшларни руҳан юксалтирди, жисмонан чиниқтирди. Физика, математика фанлари ҳамда чет тиллари чуқур-

лаштириб ўқитилиши билан бирга бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулоти ҳам олиб борилиб, кўникмалари шакллантирилди. Шу боис Фавқулдда вазиятлар вазирлигининг Шаҳрисабз шаҳридаги ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари Республика ва халқаро танловларда голибликни қўлга киритиб келишмоқда. Ушбу ҳарбий таълим муассасаси ўзидаги юқори таълим-тарбия жараёни, ўзига хос илмий-услубий салоҳияти билан республикамиз Қуролли Кучлари тизимига ҳар томонлама баркамол ва муносиб кадрларни тайёрлаб бермоқда.

Қайд этилганидек, юқори салоҳиятли ўқитувчилар томонидан ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда машғулотларнинг ташкил этилиши ўқувчиларнинг ижобий натижаларни қўлга киритишларида асосий омил бўлмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур илм даргоҳида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар, Юртбошимиз



ва халқимиз кутганидек, келажакнинг ҳақиқий Темурбеклари бўлиб улғаядилар ҳамда она-Ватанимизнинг ишонган, суянган муносиб қалқонларига, саркардаларига, етакчиларига айланадилар. Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ҳарбий-академик лицейни муваффақиятли тугатган ёшларга вазир ўринбосари ва меҳмонлар томонидан тантанали равишда дипломлар топширилди. Тантанали маросимда битирувчи ёшлар ўз соҳалари бўйича малакали мутахассис, она-юрт тинчлиги учун сидқидилдан хизмат қилади-

ган ёшлар бўлиб етишишга ваъда беришди.

Маросимнинг бадиий қисмида Шаҳрисабз шаҳар маданият бўлими ҳамда ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари томонидан тайёрланган театрлаштирилган сахна кўринишлари, куй ва қўшиқлар ижро этилиб, ҳарбий жанг санъатидан кўргазмали чиқишлар намойиш қилинди.

Албатта, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган ўқув масканида таълим олган ушбу битирувчилар ҳам янгиланаётган Ўзбекистонга янги куч, янги авлод бўлиб етишишдек олий мақсад сари дадил боришларига ишонч билдирамыз.

Анвар ҚОБИЛОВ  
тайёрлади.



Миллий гвардиянинг Тошкент “Темурбеклар мактаби” ҳамда Ҳарбий му-  
сиқа академик лицейи битирувчиларига  
бағишланган тантанали маросим бўлиб  
ўтди.

## КАТТА ҲАЁТ САРИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳар-  
бий прокурорининг ўринбосари Қ.Исроилов  
иштирок этди.

Сўз олганлар битирувчиларга ўз эзгу ти-  
лакларини билдириб, уларнинг келажакда  
буюк саркарда Амир Темур вориси номига  
муносиб, малакали мутахассис сифатида  
шаклланишларига ҳамда Янги Ўзбекистон-  
нинг мустақкам қалқони бўлишларига ишонч  
билдиришди.

Жараёнда битирувчиларга диплом ва  
“Аълочи ўқувчи” кўкрак нишонлари тантана-  
ли равишда топширилди.

Тадбирнинг бадиий қисмида ўқувчилар-  
нинг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди.

Бу кун нафақат битирувчилар, балки  
уларнинг яқинлари хотирасида ҳам мангуга  
муҳланди.

Ш.ЭРГАШЕВ,

Тошкент ҳарбий прокуратураси  
терговчиси, адлия катта лейтенанти.

## УЧРАШУВ

Бош прокурор ўринбосари – Ўзбеки-  
стон Республикаси Ҳарбий прокурори  
Б.Кудратходжаев Хоразм вилояти Урганч  
шаҳридаги “Мономарказ”да муддатли ҳар-  
бий хизматни ўтаб қайтган ёшлар билан  
учрашди.

Мулоқотдан сўнг уларнинг муаммолари  
ни аниқлаш ва қизиқишларини ўрганиш  
мақсадида оммавий қабул ўтказилди.

Жараёнда меҳнат ярмаркаси ташкил  
этилиб, жалб этилган ташкилот ва корхо-  
налар томонидан ёшларга уларнинг му-  
тахассислигига доир бўш иш ўринлари  
таклиф этилди.

Сўнгра Урганч шаҳридаги “IT park”да  
ёшларни замонавий рақамли технология-  
лар билан ишлаш ва бу борадаги билим-  
ларни эгаллашга йўналтириш фаолияти  
ўрганилди. Мавжуд шароитлар билан та-  
нишилиб, масъулларга тегишли тавсиялар  
берилди.

А.АЛИМҚУЛОВ,

Урганч ҳарбий прокуратураси  
катта терговчиси, адлия капитани.

## УЙЛАР МУБОРАК!

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчи-  
ларнинг уй-жой таъминоти борасидаги  
ҳуқуқларини амалда таъминлаш масала-  
си устувор вазифалардан ҳисобланади.  
Бу борада барча қўшин турларида кенг  
қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Сирдарё вилояти Ховос туманида ДХХ  
Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари  
учун барпо этилган замонавий турар жой  
мажмуасидан янги хонадонларни ўз эгала-  
рига топшириш маросими ҳам ушбу йўна-  
лишдаги тадбирларнинг ҳаётий давоми  
бўлди.

Тантанада вилоят ҳокимлиги, Чегара  
қўшинлари кўмондонлиги, Гулистон ҳар-  
бий прокуратураси, қатор мутасадди таш-  
килотлар ва кенг жамоатчилик вакиллари  
иштирок этди.

Сўз олганлар ҳарбий оилаларни янги  
уйлар билан қўллаб, эзгу тилакларини  
изҳор этишди.

Хонадон қалитларини топшириш қисми  
эса чинакам байрамга айланиб кетди.

Ш.МУҲАМЕДЖАНОВ,  
Гулистон ҳарбий прокурорининг  
катта ёрдамчиси,  
адлия подполковниги.

## ЗАРУР ТАВСИЯЛАР

Поп тумани “Ўрта Маргизор” МФЙдаги Мурувват уйида  
тадбир бўлиб ўтди.

Унда асосан зилзила, ёнғин ва бошқа тусдаги  
фавқулодда вазиятларда имконияти чекланган беморлар,  
ишчи-хизматчиларни хавфсиз жойга олиб чиқиш ҳамда  
уларга ҳаракатланиш тартиби амалий ва назарий тартибда  
тушунтириб берилди.

И.МЕЛИБОВЕВ,

Наманган вилояти ФВБ ахборот хизмати етакчи мутахассиси.

А.АХРАМОВ,

Поп тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари,  
катта лейтенант.



## МЕҲР ВА САҲОВАТ ТАДБИРИ

Фарғона вилояти Риштон туманида  
меҳрга муҳтож, ногиронлиги бўлган  
ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш  
тадбирлари ўтказилди.

Тадбир давомида туман ФВ бўлими 15-ЁҚҚ  
да узоқ йиллар давомида хизмат қилиб кела-  
ётган Х.Ниёзовнинг ногиронлиги бўлган фар-  
зандига ногиронлар аравачаси ҳамда кундалик  
эҳтиёжлари учун зарурий маҳсулотлар олиб  
берилди.

А.АЛИЖОНОВ,

Фарғона вилояти ФВБ ахборот хизмати  
раҳбари, капитан.

Тошкент вилояти Зангиота тумани  
“Қуёшли” қўргонидан оммавий сайёр қа-  
бул ўтказилди. Унда Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Ҳарбий прокурорининг биринчи  
ўринбосари О.Холбоев бошчилигида  
ҳарбий прокуратура, Мудофаа вазирли-  
ги, қатор мутасадди ташкилотлар масъ-  
уллари томонидан ҳарбий хизматчилар  
ва Қуролли Кучлар хизматчилари ҳамда  
уларнинг оила аъзолари тингланди.

## САЙЁР ҚАБУЛ

Қабулда ишга жойлаш, имтиёзли ипо-  
тека кредити ажратиш, хизмат жойини кўчи-  
риш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш  
ва бошқа масалаларда жами 34 та муурожаат  
келиб тушди.

Шундан 4 таси қаноатлантирилди,  
24 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар  
берилди, 6 таси ижроси назоратга олинган  
ҳолда тегишли ташкилотларга юборилди.

Г.ТУРСУНОВА,

Республика ҳарбий прокурорининг  
катта ёрдамчиси, адлия подполковниги.

## ҚАЛТИС ЙЎЛ

Муқаддам ўғрилиги,  
босқинчилиги ва бошқа  
жиноятлари учун суд-  
ланган Х.У. яна суднинг  
қора курсисидан босқин-  
чилик, товламачилик ва  
ўғрилиги жиноятини со-  
дир этганлиги учун жа-  
воб берди.

Гап шундаки, Х. У.  
жиноий шериги И.Б. би-  
лан танишлари Г.С. куч-  
ли таъсир қилувчи дори  
воситаларини ёнида  
сақлаб юрганлигини би-  
лишган. Улар бу ҳақида  
ҳуқуқни муҳофаза қи-  
лувчи органларга хабар  
бериш ўрнига кўчада  
Г.С.нинг ёқасидан уш-

лаб, чўнтагидан 850.000  
сўм пулини олишган.  
Агарда Г.С. дори сав-  
досидан улуш бермаса  
унинг баданига оғир тан  
жароҳат етказишларини  
айтиб кўрқитишган. Эр-  
таси куни улар Г.С. нинг  
мол-мулкни қўлга ки-  
ритиш мақсадида унинг  
қўлига темир бўлағи би-  
лан уриб, мажбурлаб ав-  
томашинага ўтқизишган.  
Шундан сўнг жабрланув-  
чини Қибрай туманидаги  
ҳилват жойга олиб бориб  
автомашина ичидаги пи-  
чоқ ҳамда темир бўлағи  
билан ўлдиришларини  
айтиб кўрқитишган. Г.С.

нинг ёнидаги 450.000  
сўм пул ва дори восита-  
ларни олиб, воқеа жойи-  
дан яширинишган.

Г.С.нинг ҳуқуқни  
муҳофаза қилувчи ор-  
ганларга ёзган аризаси-  
га мувофиқ, товламачи-  
лар Х.У. ва унинг шериги  
И.Б. ашёвий далиллар  
билан қўлга олинган.

Судланувчиларга  
оид жиноят иши суд-  
да атрофлича кўриб  
чиқилди. Суд судланув-  
чиларга нисбатан жазо  
тайинлашда уларнинг  
айбига қисман иқрорли-  
гини, жабрланувчининг  
даъвоси йўқлигини, ои-  
лавий шароитини эъ-  
тиборга олди. Суднинг

ҳукми билан Х.У. 8 йил  
1 ой муддатга, унинг ше-  
риги И.Б. эса 8 йил 2 ой  
муддатга озодликдан  
маҳрум этилди.

Агарда Х.У. ва унинг  
шериги тўғри йўлдан  
юриб, ҳалол меҳнат  
қилганларида оила аъ-  
золарига наф келтирган  
бўларди. Бироқ улар  
қора йўлни танлади.  
Оқибати эса маълум. 30  
ёшдан ошган икки инсон  
бугунги кунда жазо муд-  
датини ўтамоқда.

Б.ҚАЮМОВ,  
жиноят ишлари  
бўйича Яккасарой  
туман судининг  
судьяси.

Ёшларни ватанпарварлик ва қонунларга ҳурмат руҳи-  
да тарбиялаш, уларни янгидан-янги марраларга илҳом-  
лантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида  
Ҳарбий прокуратура органлари томонидан мунтазам ра-  
вишда амалий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

## МАТЕМАТИКА БИЛИМДОНИ

Хусусан, Халқаро Нордик университети ва “Intelligence  
Development Center” таълим маркази билан ҳамкорликда “Ўзбе-  
кистон Республикаси Ҳарбий прокурори соврини” учун ўтказилган  
танлов ҳам бу борадаги тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди.

Унда республикаимиздаги “Жалолиддин Мангуберди”, “Темур-  
беклар мактаби” ва “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицей-  
ларининг 600 нафардан ортиқ 10-синф ўқувчилари математика  
фанидан беллашди.

Билимлар баҳси натижаларига кўра, Фавқулодда вазиятлар  
вазирлигининг Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги “Те-  
мурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси Турғун  
Абдуллаев 1-ўринни эгаллади. Хоразм вилояти Урганч шаҳри-  
даги Мудофаа вазирлигига қарашли “Жалолиддин Мангуберди”  
ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси Акбарали Уролбоев 2-ўринга  
муносиб кўрилди. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри-  
даги Ички ишлар вазирлигига қарашли “Темурбеклар мактаби”  
ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси Мусо Асқарбаев эса 3-ўринни  
банд этди.

Тақдирлаш маросими видеоконференцалоқа тарзида барча  
ҳамкорлар ва танлов қатнашчилари иштирокида бўлиб ўтди.

Унда Урганч шаҳри студиясидан Бош прокурор ўринбосари  
– Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Б.Кудратходжаев  
ва Тошкент шаҳри студиясидан Халқаро Нордик университети  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Шерзод Муста-  
фоқулов иштирок этиб, совриндорларни қутлашди ва уларга эзгу  
тилакларини билдирди.

Жараёнда ғолибларга диплом, медаль, эсдалик совғалар, ку-  
бок ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори соврини”  
тантанали равишда топширилди.

Р.КАМОЛОВ,

Республика ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий  
прокурори, адлия подполковниги.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти Кенгаши, вилоят ФВБ, Жиззах гарнизонидаги ҳарбий қисмлар, Миллий гвардия ҳамкорлигида “Шароф Рашидов” болалар соғломлаштириш оромгоҳида “Миллий армиямиз ёшларни нигоҳида” шиори остида ҳарбий ватанпарварлик фестивали ўтказилди.

## ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ



Фестивал доирасида болажонлар ўрасида спортнинг камондан отиш, арқондан сакраш ва найза улоқтириш каби мусобақалар ўтказилиб, ғолибларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг китоблари топширилди. Вилоят ФВБ қўқарувчилари томонидан оромгоҳ тарбиячилари ва дам олувчиларга чўмилиш қоидалари тушунтирилиб, чўкаётганларни қўқариш ва биринчи ёрдам кўрсатиш ҳаракатлари амалий тарзда кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар томонидан қўл жанги чиқишлари, миллий гвардиянинг хизмат итлари билан тайёрланган кўргазмали чиқишлар ҳамда ҳарбий оркестрнинг куй-қўшиқлари ёшларга ўзгача завқ бағишлади. Фестивалнинг якуний қисмида ёшлар учун ҳарбий хизматчилар томонидан қурол-аслаҳа ва қўқарув анжумларининг кўргазмаси ташкил этилди.

**А.УРАЗМУХАМЕДОВ,**  
Жиззах вилояти ФВБ бошлиғи ўринбосари, капитан.

## ҚИЗҒИН ПАЛЛА

Фалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирмоқда. Донни етиштириш қанчалик муҳим бўлса, уни турли табиий офатлардан, жумладан ёнғиндан сақлаш ҳам муҳимдир.

Ўрим-йиғимга жалб этилган масъул, комбайнчи, ишчи-хизматчилар ва фуқаролар! Донимиз – нонимиз, унинг нобуд бўлмаслиги учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилайлик.

**А.ЗОКИРОВ,** Уртачирчиқ тумани ФВ бўлими П ва НБ катта инспектори, лейтенант.  
**Л.ТОШБОЛТАЕВ,** инспектор, оддий аскар.



## МУҲИМ ВАЗИФА

Фарғона вилоятининг барча шаҳар ҳамда туманларида “Фалла-2024” ўрим-йиғим тадбирларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида, дон ташувчи юк автомобиллари ҳайдовчилари билан йўриқнома жараёнлари олиб борилмоқда.

Йўриқнома давомида барча юк автомобилларининг ёнғин хавфсизлиги ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланганлик ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Урганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъулларга муддатлар белгиланиб, бажаралиши назоратга олинапти.

**Д.МАҲМУДОВ,**  
Фарғона вилояти ФВБ бўлим инспектори, майор.

## ИНТИЗОМ ВА МАСЪУЛИЯТ

“Навоий кон металлургия комбинати” АЖ ва “Навоийуран” ДК объектларида Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш марказининг ҳарбий хизматчилари учун “Тартиб-интизом ва масъулиятни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омил” мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар томонидан хизмат интизоми ва қонунчиликнинг бузилиши, жиноят ва

турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларни содир этмаслик борасида тушунтиришлар берилди. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар билан боғлиқ йўл-таранспорт ҳодисалари тўғрисида видеороликлар намойиш қилинди.

**Б.ҒАФУРОВ,**  
НСМ ва ЖК бошқармаси объектларида ЁХТТЭБ бошлиғи ўринбосари, майор.  
**М.ҲАЙИТОВ,** гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

## КЎРИНМАС ЁВ

Ёнғин содир бўлган жойларга зудлик билан етиб бориш ва тезда бартараф этиш чораларини кўриш ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг бурчидир. Ваҳоланки, ёнғин жойига кетиш пайтларида Чуст деҳқон бозори МЧЖ олдидаги Чустий кўчасида фуқароларимиз томонидан автомобиллар тўхташи тақиқланган жойларга шахсий автомобилларни қўйиб кетиш ҳамда белгиланмаган жойлардан йўлнинг иккинчи чизиқ йўлагига автомобилларни қўйиб, йўловчиларни олиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса фавқуллода ҳолатларда содир бўлаётган ёнғин жойига тез фусат



ичида ўт ўчириш автомобилларининг етиб боришига тўсқинлик қилмоқда.

Ёнғин ҳақидаги хабар келиб тушганидан сўнг ўт ўчириш экипажи ёнғин жойига кетаётганда фуқаролар шахсий автомобилларини белгиланмаган жойда тўхташиб, йўловчиларни чиқараётганликлари сабабли ўт ўчириш автомобили 1 дақиқа тарбандлик ичида қолиб кетди. Шундай бўлмаганда эди, содир бўлган ёнғиннинг ҳажми катталашиб кетмаган бўлар эди.

**Ф.ПАНОҲИДДИНОВ,**  
Чуст туман ФВ бўлими бўлинма инспектори, лейтенант.

## “ҚАМЧИҚ” ДОВОНИ: МАВСУМ ХАТАРСИЗ ЎТСИН!

“Қамчиқ” довомида фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш бўйича Республика идоралараро штаби ташкил этилган. Ҳозирда ушбу штаб томонидан доводда аҳоли ва ҳудудларни тошқин сувлари, сел оқимлари ва кўчки ҳодисалари хавфи билан боғлиқ фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Механизациялашган назорат-кузатув гуруҳлари таркибида қўқарувчилар, йўл-патрул хизмати ва автойўл ишчи-ходимларининг тун-кун навбатчилиги ташкил этилган.

Сутка давомида А-373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг “Қамчиқ” довоми орқали ўртача 30-35 минг автотранспорт воситаларининг қатнови, “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўли орқали 30 га яқин юк ва йўловчи ташувчи поездларнинг ҳаракати амалга оширилмоқда.

2024 йил баҳор-ёз мавсуми учун устувор вазифалар белгилаб олинган бўлиб, қирқ бешдан ортиқ ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Автомобиль йўлининг 230 км.даги “Булоқ” участкасида ер кўчкисининг олдини олиш, захи-

ра айланма йўлининг 242,3 км.даги “Қизилча” участкаси ҳамда “Резак” аҳоли яшаш пунктидаги 254,6 ва 258,2 км.ларда кўчки ва тош тушиш хавфи мавжуд участкаларда 116000 метр<sup>3</sup> тош-тупроқ ишлари амалга оширилди.

“Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўлининг 69 км.да тоғ қияликларидан номустваҳкам тошларни тушириш ва кювет тозалаш ишлари бўйича “Сел оқимлари, тошқин-сувлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқуллода вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда куч-воситаларни жалб этиб, сел йўллари, сунъий иншоотларни тозалаш ва қирғоқ мустаҳкамлаш”

мавзуларида махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.

Ўқув машқларига жами 352 нафар иштирокчи, 77 та махсус техника жалб этилиб, 4720 м<sup>3</sup> ўзан тозалаш ишлари, 35 та габион сетка териш ишлари ҳамда захира мате-

қарманинг жавобгарлик ҳудудида 390 та объектда профилактик тадбирлар ўтказилиб, 1530 нафар фуқаро, ишчи-ходимлар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди ҳамда иштирокчиларга 1484 та кўргазмали материаллар тарқатилди.

Довонда фаолият юритаётган навбатчилик масканлари ва механизациялашган назорат гуруҳлари томонидан 2024 йилнинг январь-май ойлари давомида автомобиль йўлида техник носозлик сабабли тўхтаб қолган, автомобили йўл-транспорт ҳодисасига учраган жами 1719 нафар ҳайдовчи ва фуқароларга амалий ёрдамлар кўрсатилган.

Ҳозирда бундай амалий саъй-ҳаракатлар довод бўлиб тизимли равишда амалга оширилмоқда.

**Ҳ.БОБОНОВ,**  
“Қамчиқ” МҚЁҚБ бошлиғи, полковник.



риалларни яратиш бўйича амалий ишлар бажарилди.

Довонда “Чоршанба – фавқуллода вазиятлар ва ёнғинлар профилактикаси куни” доирасида бош-

A-373 "Toshkent-O'sh" avtomobil yo'lining 224,7 km.dagi sel yo'lini ochish va "Angren-Pop" elektrlashtirilgan temir yo'lining 69 km.dagi hududlarida nomustahkam toshlarni tushirish va kyuvelarni tozalash bajarildi.

## DOVONDA MASHG'ULOT



Mashq davomida sel yo'lining 100 metr masofa tosh massasidan va daraxt shoxlaridan tozalanib, sel-suvlarini avtomobil yo'llaridagi xavfini kamaytirish maqsadida yo'ning 10 ta BDO-5 beton to'siqlarini o'rnatish ishlari amalga oshirildi.

Bundan tashqari, "Angren-Pop" elektrlashtirilgan temir yo'lining 69 km.da "Qamchiq" MQYQB avariya-qutqaruv otryadidan 14 nafar shaxsiy tarkibi va maxsus qutqaruv asbob-anjomlari yordamida 50 m<sup>3</sup> tosh massalari, shuningdek, "Qamchiq" temir yo'li masofasi filialining 8 nafar sanoat alpinisti tomonidan asbob-anjomlar yordamida 35 m<sup>3</sup> tosh massalari tushirib, 1 ta ekskavator, 1 ta avtosamosval yordamida 120 metr masofada 95 m<sup>3</sup> tosh massalaridan kyuvelarni tozalash ishlari bajarildi.

Sh.ABDULLAYEV,  
"Qamchiq" MQYQB FVPB boshlig'i,  
podpolkovnik.

## TAKTIK AMALIYOT

Namangan viloyati FVB tomonidan To'raqo'rg'on tumanida joylashgan Namangan davlat chet tillari institutida yong'in o'chirish taktik-o'quv mashqi o'tkazildi.

Unda mas'ul tashkilotlar va xizmatlar tomonidan belgilangan dastur asosida tadbilar amalga oshirilmog'qa.

A.MURODOV,  
To'raqo'rg'on tumani FV bo'limi boshlig'i  
o'rinbosari, mayor.

## MAKTABDA PROFILAKTIKA

Davlatobod tumani FV bo'limi xodimlari va tegishli tashkilotlar bilan hamkorlikda umumta'lim maktablarida yong'in xavfsizligi talablariga rioya etilishi bo'yicha tadbir tashkil etildi.

Tadbirda evakuatsiya, chiqish yo'llarining holati va evakuatsiya rejalarining mavjudligi, gaz va elektr jihozlardan foydalanish holati, yong'inni o'chirishning birlamchi vositalari bilan me'yoriy talablari asosida ta'minlanganligi va muassasida ishlovchilarning ulardan to'g'ri foydalana olishlariga, yong'inga qarshi suv manbalarining sozligi va ularning suv bilan ta'minlanganligi hamda yong'in-qutqaruv texnikalari uchun yo'llar tashkil etilganligiga alohida e'tibor berilmog'qa.

I.AHMADALIYEV,  
Davlatobod tumani FV bo'limi  
katta inspektori, katta leytenant.

"Qamchiq" MQYQB navbatchi-dispatcherlik bo'limi mas'ul xodimlari va dovonda faoliyat olib boruvchi yigirmaga yaqin FVDT quyi tizimidagi korxonalar, tashkilot va muassasalarning 70 nafar navbatchi-dispatcherlari ishtirokida o'quv seminari tashkil etildi.

## SEMINAR

Unda dovon hududida mavjud favqulodda vaziyatlar manbalari va favqulodda vaziyatlarda axborot almashuv tartibi, monitoring-prognozlash hamda dispatcherlik xizmatida raqamlashtirish hamda elektronlashtirish texnologiyalarini joriy etish, yangi ilg'or ish tajribalarini shakllantirish, shuningdek, xizmat faoliyatini takomillashtirish bo'yicha tushunchalar berildi.

A.QUDRATOV,  
"Qamchiq" MQYQB bo'lim  
boshlig'i, kichik serjant.

## HAMKORLIK

Xorazm viloyati FVB hamda "Urganch xalqaro aeroporti" MCHJning parvozlarni qidiruv va avariya qutqaruv ta'minoti xizmati xodimlari bilan hamkorlikda aeroportning yonilg'i-moy mahsulotlari omborida yong'inlar va boshqa tusdagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish hamda bartaraf etish bo'yicha amaliy o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Mashg'ulotda rezervuarlardagi yong'inlarni bartaraf etish, jabrlanganlarni qutqarish va o'z vaqtida birinchi tibbiy yordam ko'rsatish, xodimlarga favqulodda vaziyat va yong'in sodir bo'lganda to'g'ri harakat qilish, birlamchi yong'in o'chirish vositalaridan samarali foydalanish bo'yicha tushuntirish ishlari amalga oshirildi.

S.TOREMURATOV,  
Xorazm viloyati FVB bo'lim boshlig'i, mayor.  
I.MATYAKUBOV,  
bo'lim inspektori, katta leytenant.



Sardoba tumani tibbiyot birlashmasida "Tabiiy xususiyatli favqulodda vaziyatlarda ko'p sonli jabrlanganlarga tibbiy yordamni o'z vaqtida va samarali tashkil etish bo'yicha Sardoba tumani tibbiyot birlashmasi rahbarlar tarkibi, fuqaro muhofazasi tuzilmalari va ishchi-xodimlarning harakatlari" mavzusida maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

## SHIFOXONADA O'QUV



Mashg'ulot davomida malakali mutaxassislar tomonidan zamonaviy uskunalar yordamida jarrohlik amaliyotini o'tkazish jarayoni shartli ravishda ko'rsatib berildi.

J.TOSHPO'LATOV,  
Sirdaryo viloyati FVB axborot xizmati  
yetakchi mutaxassisi.  
U.QODIROV,  
Xovos tumani FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari,  
kapitan.

## O'RGANISH

Yashnobod tumani FV bo'limi hamda tuman SEO va JSSB xodimlari bilan hamkorlikda tumandagi barcha suv havzalarining sanitar holati hamda turli ko'ngilsiz hodisalar ro'y berganda birlamchi qutqaruv anjomlari, qutqaruv nimchalari bilan ta'minlanganligiga e'tibor qaratildi. Mas'ul xodimlarning bilim va malakalari sinovdan o'tkazildi.

A.HAYITBOYEV,  
Yashnobod tumani FV  
bo'limi inspektori, katta  
leytenant.



## BARDAVOM SABOQLAR

"Navoiy kon-metallurgiya kombinati" AJ va "Navoiyuran" DK obyektlarida Yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish markazi va uning Uchquduq, Zarafshon va Navoiy sanoat maydonlarida aholini favqulodda vaziyatlar sodir bo'lganda qutqarish va to'g'ri harakatlanish bo'yicha bir qator tadbirlar o'tkazilmoqda

Shuningdek, Zarafshon shahridagi "NKMK" AJga qarashli 3-sonli Tibbiy sanitariya qismining ishchi-xizmatchilari bilan amaliy mashg'ulot tashkil etildi.

Unda ishtirokchilarga favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakat qilish va nimalarga e'tibor berish kerakligi xususida suhbatlar olib borildi. Shu bilan birga zilzila va ko'ngilsiz holatlarni aks ettiruvchi targ'ibot materiallari tarqatildi.

M.HAYITOV,  
"NKMK" Yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil  
etish markazi guruh boshlig'i, katta serjant.

Zilzila - tabiatda sodir bo'ladigan eng xavfli hodisalarning biridir. YUNESKO ma'lumotiga ko'ra zilzila - yuzaga keladigan iqtisodiy zarar va insonlar halokati bo'yicha tabiiy ofatlarning ichida birinchi o'rinni egallaydi.

## ZILZILADA TO'G'RI HARAKAT

O'zbekiston zamini yuqori seysmik faol hududda joylashganligini e'tiborga olsak, zilzila to'g'risida aholiga yetarli ma'lumot berish, bu boradagi tadbirlarga katta hissa qo'shish lozimligini anglatadi.

"Zilzila emas, bino va uning predmetlari kishilar o'limiga sababchi bo'ladi" - deydi muhandis-seysmologlar.

Uydagi gaz, suv, elektr tarmoqlarini xavfsizlantiradigan joylarni bilish, uy tibbiy xaltasi, unda birinchi tibbiy yordam uchun zarur bo'lgan dori-darmonlar, noxush vaziyat yuzaga kelganda birinchi xizmat ko'rsatish tashkilotlarining telefon raqamlari, uy jihozlaridan kitob javonlari, osma asboblarning mahkamligini nazorat qilish, maktab yoshidagi bolalarga zilzila vaqtida harakat qilish tartibini uqtirish, ish joylarida xavfsizlik qoidalariga rioya qilish va boshqa ko'rsatmalardan har bir kishi boxabar bo'lishi shart.

Buning uchun imkoniyatlardan to'liq foydalanish zarur. Ayniqsa, mahalla-guzarlarda, ish-xona-maktablarda, radio-televideoniye hamda ijtimoiy tarmoqlarda ommabop shaklda mutaxassislar bilan suhbatlar tashkillashtirilsa, qisqa metrajli filmlar, fojialar aks ettirilgan lavhalar berib borilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Zilzila sodir bo'lganda go'yo biz turgan zamin xuddi "beshik" kabi tebrangandek bo'ladi. Avvalo, tinchlaning, qaltis harakat qilmang, baqirmang. Binoda bo'lsangiz, xavfsiz joylar - eshik kesakisi oralig'i, devor burchaklari, seysmik belbog' ostlaridan birortasini egallang. Deraza va chayqaluvchi og'ir buyumlardan uzoqroq turing.

Hech vaqt yuqori qavatdagi binodan chiqib ketishni o'ylamang. Aksincha tebranish o'tib ketguncha bino ichidan panoh qidiring. Kerak bo'lganda tebranish tugagandan so'ng binoni tark eting. Ko'p qavatli uyda tursangiz, liftdan foydalanmang. Zinapoyadan foydalanishda qo'pol harakat qilmang. Boshqalarni ham tinchlantiring.

B.RAJABBOYEV,  
Chirchiq shahar HFXO'M boshlig'i,  
mayor.  
A.TURSUNOV, katta o'qituvchi.

Инсон борки, севган соҳасининг етакчиси бўлишга интилади. Бу осон эмас, албатта. Сизга шундай инсон, ўз касбини севган, меҳнат фаолияти йўлида улкан ютуқларга эришган профессор Сумбул ХУСАНОВА ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

С. Хусанова 1966 йил 24 ноябрда Хоразм вилояти Урганч шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Албатта, зиёлилар оиласининг давомчиси бўлиш анчагина масъулиятли. Авлод давомчиси 1989 йилда Москва давлат маданият институтини тамомлаган.

Изданишлардан тўхтамаган Сумбул Исламовна 1998 йилда Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида ўқитувчи лавозимида иш бошлаган. Кейинчалик эса услубий бўлимида, илмий-тадқиқот ва нашриёт бўлимида бош мутахассис ва бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият юритди.

Қаҳрамонимиз 2016 йилдан хайрли бир лойиҳада фаол

## СОҲА ЖОНКУЯРИ

иштирок этиб, унга муносиб ҳисса қўшди. Маълумки, умумтаълим мактабларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги курсига алоҳида ўқув соатлари ажратилмаган. Бу мавзуларни бошқа фанларга интеракциялашган тарзда ўқитилиши кўзда тутилган. Яъни, бошқа фанларни ўқитиш жараёнида ҳаёт хавфсизлиги курсига доир мавзуларнинг қамраб олинishi йўлга қўйилган. Масалан, география дарслигида ер қатламидаги мавжуд плиталар, уларнинг бир-бирига таъсири оқибатида зилзилаларнинг келиб чиқиши, офат юз берганда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида ўқувчиларга маълумот етказилиши керак. Дарсларнинг сифатли олиб борилишига эришиш, умумтаълим муассасалари ўқитувчиларини ҳаёт фаолияти хавфсизлиги борасида муҳим маълумотлар билан таъминлаш борасида БМТнинг болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг

Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ҳомийлигида умумтаълим мактабларининг 1–11-синф ўқувчилари учун “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” курсидан услубий қўлланмалар, дидактик материаллар тўпламлари ва яна бир қатор адабиётлар ишлаб чиқилди.

2021 йилда “Педагогика назарияси. Педагогика ихтисослиги бўйича умумтаълим мактабларида “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” курси мавзулари орасидаги узвийликни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва педагогика фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. 2022 йилда профессор илмий унвонига муносиб кўрилди.

Сумбул Хусанованинг элу юрт манфаатларини таъминлаш, соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини тизимли ташкил қилиш ва амалиётга татбиқ этишдаги ютуқларига кўплаб мисоллар



келтириш мумкин. Муҳими ишларида улкан муваффақиятлар тилаган ҳолда, доим соғ-саломат бўлинг, қадрли устоз, дея тилак билдириб қоламиз.

Р.СОИБЖОНОВА,  
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика йўналиши талабаси.

Р.СОИБЖОНОВА,  
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика йўналиши талабаси.

## КАМТАРИН, ФИДОЙИ ВА ХУШЧАҚЧАҚ...

Инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Сув ҳеч қачон ортига қайтмаганидек, ўтаётган умр ҳам ортга қайтмайди. Лекин уни мазмунли қилиш, орзу-умидлар рўёби ила тўлдириб, кўпроқ инсонларнинг ҳаракатига, амалига боғлиқ. Айнан мана шу жараён умр мазмунини акс эттиради. Биз инсонларга таъриф беришда оддий ўқитувчи, оддий шифокор, оддий муҳандис, оддий журналист дейишни яхши кўраемиз. Аслида ҳамма ҳам оддий инсон. Уни бошқалардан ажратадиган томони ўз умр дафтарини ибратли саҳифалар билан тўлдирганидадир.

Аёллар оилада уй бекаси, шириндан шакар фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб тарбияловчидир. Маълумотларга қараганда, аёлларнинг кўп вақти меҳнатда ўтиши сабабли, уларнинг бўш вақти эркакларникига қараганда анча кам экан.

Уларнинг буюклиги ва гўзаллиги қошида ҳатто даҳолар ҳам бош эгганлар. Хонадонда аёл бўлмаса, уйнинг файзи бўлмайди. Ҳаётда рангинлик қолмайди. Агар қизалоқ дунёга келса, ота-онанинг меҳрибони туғилди, – дейилади. Бинобарин, аёллар сиймосида оналаримиз, уй фаришталари, шу билан бирга, турли соҳаларда хизмат қилаётган опа-сингилларимизни кўраемиз.

Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти ходими Лилия Галимова ҳам биз таъриф этган фидойи, оилам, элу юртим деб яшаб, ўз бурчига садоқат билан хизмат қилиб келаётган аёллардан бири.

Л.Галимова 25 йилдан бери институтда

ишлаб, шахсий таркиб орасида ўз ҳурмат-эътиборига эга. Л.Галимова 1987 йилда Тошкент давлат университетини тугатиб, мамлакатимизнинг турли олий ўқув юрларида хизмат фаолиятини олиб борди. 1999 йил Фуқаро муҳофазаси институтига ассистент-ўқитувчи лавозимида ишга қабул қилинган. Билимдон ва ўз ишининг устаси, тиришқоқ Лилия Галимова ўтган йиллар давомида ассистент-ўқитувчи лавозимидан катта ўқитувчи вазифасига қадар бўлган ибратли йўлни босиб ўтди.

Л.Галимова Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент давлат техника университети бакалавр битирувчи талабларининг диплом ишлари, ўқув дастурлари, илмий-мақолалари, магистрлик диссертацияларига тақризлар ёзган. 2019 – 2021 йилларда институтнинг магистратура талабаларига илмий раҳбарлик қилган. Ҳозирги кунга қадар унинг “Фавқуллода вазиятлар хавф солганда ва содир



бўлганда аҳолини эвакуация қилиш” китоби чоп этилган. Бундан ташқари, Л.Галимованинг бир қатор илмий мақолалари, 2019 – 2021 йиллар давомида 5 та ўқув услубий қўлланмаси чоп этилган.

2014 йилда Халқ таълими вазирлигининг “Таълим хомийси” кўрак нишони, 2017 йилда Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг “Аъло хизматлари учун” кўрак нишони билан тақдирланган.

Қаҳрамонимиз ҳозирда институт хотин-қизлар кўмитаси раиси. Ўз касбининг устаси, меҳнатсевар Лилия Газизовна аёл бўлсада, кези келганда, эркакларга хос журъатни, қатъиятни ишлата биледи. Шу билан бирга, ҳар доим ўз ҳамкасбларининг қувончу ташвишларига шерик бўлади.

– Киши астойдил ҳаракат қилса, барчасига улгуради. Иш деб оилани

ёки оила деб ишни ташлаб қўйиш мантиққа тўғри келмайди. Баъзилар иккисидан бирини танлаш керак, деб ўйлашади, аммо ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Бир вақтнинг ўзида фаол ходим ва яхши оила бекаси бўлиш мумкин. Бунинг учун эса вақтдан унумли фойдаланиш керак. Шахсан мен ана шу қоидага амал қилиб, кам бўлмадим, – дейди Л.Галимова.

Ҳа, сўзимиз якунида инсонларга ҳамиша яхшилик қилишга тайёр, доимо юзида табассум ва самимийлик порлаб турадиган Л.Галимовага мустаҳкам саломатлик, масъулиятли вазифаларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз. Юртимизда улардек яхши инсонлар кўпаяверсин.

Р.РОЗАБОЕВА,  
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика йўналиши талабаси.

ФВВ Академияси ҳарбий хизматчилари ва курсантлари иштирокида академиянинг “Маънавият ва маърифат” марказида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни доирасида “Ёшлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

## ДАВРА СУҲБАТИ



Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан бугунги кунда ёшларни қўллаб-қувватлаш учун беқиёс имкониятлар яратилаётганлиги, хусусан таълимга қаратилган кучли ёндашув келгусида жонажон Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган етук кадрларни етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида курсантларни қизиқтирган саволларга маърузачилар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Ф.ХОЖАЕВ,  
ФВВ Академияси катта ўқитувчиси, майор.

## ҒАЛЛА-2024

Наманган вилоятининг шаҳар ва туман ФВ бўлимлари томонидан ғалла ўрими даврида ёнғин ва бошқа тусдаги фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш мақсадида дала майдонлари ҳамда автомобиль йўлларининг кўринарли жойларига “Ғаллани ёнғиндан асранг!”, “Ғалла – ризқ-рўзимиз, уни ёнғиндан асранг!” каби тарғибот материаллари ўрнатилди.

Қ.САТТОРОВ, Наманган вилояти ФВВ ахборот хизмати бошлиғи, капитан.

## KO'RSATMALAR BERILDI

Jizzax viloyati FVB tomonidan Milliy Gvardiya, Ichki ishlar boshqarmasi jamoat tartibini saqlash, Turizm va Sog'liqni saqlash boshqarmalari bilan hamkorlikda "Aydar-Arnasoy ko'llar tizimi" MCHJda "Aholini suvda cho'kishi bilan bog'liq noxush holatlarning oldini olish, viloyatning cho'milish havzalarida xavfsizlik hamda kichik hajmli kemalar va ular turadigan bazalardan xavfsiz foydalanishni ta'minlash" mavzusida ko'rgazmali seminar o'tkazildi.

Tadbirda qatnashgan "Aydar-Arnasoy ko'llar tizimi" MCHJda baliqchilik faoliyati bilan shug'ullanuvchi tadbirkorlar, dam oluvchilar, "Baxtli" MFY aholisiga kichik hajmli kemalardan xavfsiz va belgilangan qoida talablariga qat'iy amal qilgan holda foydalanish bo'yicha yo'riqnomalar berilib, mavzuga oid eslatma va bukletlar tarqatildi. Cho'milish mavsumini betalafot o'tkazish va kichik hajmli kemalardan to'g'ri va xavfsiz foydalanish yuzasidan qo'shimcha ko'rsatmalar berildi.

**I.UMAROV**, Jizzax viloyati FVB axborot xizmati rahbari, kapitan.  
**S.G'ULOMOV**, boshqarma kichik hajmli kemalar inspeksiyasi bosh inspektori.

## OGOHO BO'LING!

Namangan viloyatida daryolar, tezoqar kanallar hamda soylar mavjud bo'lib, ularda cho'milish bilan bog'liq baxtsiz holatlarning oldini olish maqsadida, Namangan shahar va barcha tumanlar FV bo'limlari tomonidan har xil turdagi targ'ibot materiallari o'rnatildi.

**I.MELIBOYEV**,  
Namangan viloyati FVB axborot xizmati yetakchi mutaxassisi.

## "DELFIN" DA TASHVIQOT

Ohangaron tumani hududidagi "Delfin" dam olish maskanida tuman FV bo'limi xodimlari tomonidan profilaktik tadbir o'tkazildi. Tadbir davomida fuqarolar bilan cho'milish qoidalari bo'yicha targ'ibot-tashviqot ishlari olib borildi.

**Z.ESHNAZAROV**,  
Ohangaron tumani FV bo'limi xodimi,  
katta leytenant.

## TILSIZ YOV

Olovni "tilsiz yov", – deyishadi. Uning oqibatida barcha narsa kulga aylanadi. Qanchadan-qancha insonlar tan jarohati oladi yoxud ularning hayotiga nuqta qo'yiladi. Yong'in o'z-o'zidan kelib chiqmaydi. Yong'inlarning ma'lum bir qismi olovdan foydalanishdagi ehtiyotsizlik natijasida sodir bo'ladi. Yong'in kelib chiqishi va turli noxush holatlarning oldini olish maqsadida tizim xodimlari tomonidan turli tashkilot, korxonalar, savdo do'konlari va aholi yashash xonadonlarida profilaktik tadbirlar o'tkazib kelinmoqda. Targ'ibot-tashviqot jarayonlarida favqulodda vaziyatlar, yong'inlar, gaz-havo aralashmasining chaqnashi, is gazidan zaharlanish holatlarining oldini olishda nimalarga e'tibor qaratish lozimligi haqida ma'lumot va tavsiyalar berilmoqda.

Shu o'rinda aytish lozimki, qurilish maydonlarini yonuvchi chiqindilardan doimiy tozalash, qo'lbola elektr isitish anjomlaridan foydalanmaslik, mumkin bo'lmagan joylarda sigareta chekmaslik, ochiq olovdan foydalanmaslik, kislorod ballonlarini to'g'ri saqlash, bo'yoqlar, karbid, taxta materiallarining birga saqlanishiga yo'l qo'yimaslik shartlari yong'inlardan saqlanishning muhim omili sanaladi.

**K. ARIPOV**,  
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti  
Administratsiyasi binosida YXTTE  
1- bo'linmasi kichik inspektori,  
kichik serjant.

## QOIDALARGA RIOYA QILING!

Toshkent tumani FV bo'limi xodimlari tomonidan yong'inlarning oldini olish borasida qator tadbirlar amalga oshirilmogda.

Xalq xo'jaligining turli yurtlari, maktab, bog'cha tarmoqlarida, shuningdek, va aholi turar-joylarida yon-sanoat korxonalarida, bilim g'in ofatining oldini olish

uchun rejali tekshiruvlar o'tkazilmogda. Fuqarolar bilan uchrashuvlar, suhbatlar uyushtirilib, radio, televideniye va ro'znomalar orqali tushuntirish ishlari olib borilmogda.

Agarda, bu ishga keng jamoatchilik ham diqqat-e'tiborini kuchaytirsa, yong'in holatlari yanada kamaygan bo'lar edi.

**Sh.BAXRIYEV**,  
Toshkent tumani  
FV bo'limi bo'linma  
boshlig'i, leytenant.

## DOLZARB MAVZU

Sirdaryo viloyati FVB va uning hududiy bo'limlari xodimlari tomonidan turli noxush holatlarning oldini olish maqsadida targ'ibot tadbirlari amalga oshirilmogda.



Navbatdagi tadbirlar Sirdaryo tumanida davom etib, aholini zilzilaga tayyorlash haftaligi doirasida maktabgacha ta'lim tashkilotidagi tarbiyalanuvchilar bilan zilzila vaqtida to'g'ri harakatlanish, kattalarga xabar berish qoidalari nazariy tushuntirilgandan so'ng, shartli zilzila vaqtida binoni tark etish qiziqarli o'yin tarzida o'rgatildi.

Nazorat-profilaktika tadbirlari ko'p qavatli uylarning qurilish maydonlarida davom ettirilib, ishchi guruh tarkibida qurilish ishlarini belgilangan loyi-

ha me'yorlari asosida olib borish, binolarning texnik mustahkamligini ta'minlash borasida ma'sullarga tushuntirishlar berildi. Shuningdek, ishchi-xizmatchilar bilan yong'in va texnika xavfsizligi talab-qoidalarga amal qilish bo'yicha yo'riqnomalar berildi.

**D.SULAYMONOV**,  
Sirdaryo viloyati  
FVB axborot xizmati  
boshlig'i, kapitan.

**H.BERDIYEV**,  
Sirdaryo tumani FV  
bo'limi boshlig'i,  
mayor.

## MATBUOT ANJUMANI

Farg'ona viloyati FVB mas'ul xodimlari ishtirokida "Yoz mavsumida turli xususiyatli favqulodda vaziyatlarning oldini olish, cho'milish mavsumida fuqarolar xavfsizligini ta'minlash va bu borada olib borilayotgan chora-tadbirlar" mavzusida matbuot anjumani va ochiq muloqot bo'lib o'tdi.

Unda aholini va hududlarni turli xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish bo'yicha ko'rilayotgan chora-tadbirlar yuzasidan ma'lumotlar berildi.

**A.ALIJONOV**,  
Farg'ona viloyati  
FVB axborot xizmati  
rahbari, kapitan.



## KO'NIKMALAR OSHIRILDI

Buxoro viloyati FVB Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi hamda OYXTTEB hamkorligida "Buxoro xalqaro aeroport" MCHJ ishchi-xodimlarini favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakat qilishga tayyorlash bo'yicha amaliy seminar tashkil etildi. Unda xodimlar zilzila, yong'in, suvda cho'kish va vaziyatlar, ularning oldini olishga oid bilim va ko'nikmalarini oshirdilar.

**H.SAIDOV**,  
Buxoro viloyati FVB OYXTTEB inspektori.

## HAFTALIK



Taxiatosh tumani FV bo'limi xodimlari tomonidan Respublika ixtisoslashtirilgan Narkologiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi Qoraqalpog'iston filiali ishchi-xodimlariga favqulodda holat yoki zilzila sodir bo'lganda to'g'ri harakat qilish bo'yicha profilaktik tushunchalar berildi.

**T.YUSUPBAYEV**,  
Taxiatosh tumani FV bo'limi katta inspektori,  
katta leytenant.

## SUVDA XAVFSIZLIK

Xorazm viloyati FVB tomonidan Tuproqqal'a tumanida o'tkazilgan targ'ibot ishlari suvda xavfsizlikka rioya qilish masalasiga qaratildi. Unda yoz mavsumida taqiqlangan joylarda cho'milish oqibatida yuzlab insonlar suvda cho'kish bilan bog'liq baxtsiz hodisalar qurboni bo'lib kelayotganligi xususida ma'lumotlar berildi.

Ushbu tadbirlar samaradorligini oshirish hamda fuqarolarni ogohlikka chaqirish maqsadida, tuman hududidagi cho'milish mumkin bo'lmagan barcha ochiq suv havzalari bo'ylariga "Cho'milish taqiqlanadi" belgilari va serqatnov yo'l yoqalariga "Suvda baxtsiz hodisalarning oldini olish" bannerlari o'rnatib chiqildi.

**B.JUMANIYAZOVA**,  
Xorazm viloyati FVB  
axborot xizmati yetakchi  
mutaxassisi.

## Маърифат соати

**ЁШЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ**

Бугунги кунда юртимизда кечаётган ислохотлар натижасида ҳаётимиз кундан-кунга яхшилана бормоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Айниқса, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш соҳасидаги янгилик бўлди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясидаги мақсадларда ҳам ёшлар билан ишлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сиёсий, ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтириш, сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берилгани қайд этилган. Қолаверса, 2024 йил мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилинди. Чунки юртимиз ёшлари келажакимиз, истиқболимиз пойдеворидир. Давлатимизнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ёшларимиз таълим-тарбияси ҳамда келажакига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқдир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, дунё миқёсида ёшларнинг сони икки миллиарддан ортиб кетган, халқаро терроризм ва экстремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя жуда зарурдир. Шунинг учун ҳам жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётини нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда юксак самараларга эришилмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш масаласига жиддий аҳамият қаратилмоқда. Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида ба-

жарилаётган ишлар ҳам таъсирга лойиқдир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, психологларнинг фикрича, вояга етмаганлар жиноятларининг аксарияти уларнинг ота-онадан ажралиб чиқиш жараёнида содир бўлар экан. Яъни, ўсмирларда мустақил қарор қабул қилиш жараёни бошланган даврда. Шу вақтда болада ўзига ишонч, ҳурмат шакллантирилмас, орзулари ота-она томонидан қўллаб-қувватланмас, у ўзини ҳеч нарсага қодир эмасдек, ҳис қилишни бошлайди. Натижада бола дунёга нафрат билан улғайиши мумкин. Агар оилада боланинг эҳтиёжлари, ташвишлари билан ҳеч қандай қизиқмас, фикри эътиборга олинмас, унга нисбатан зўравонлик ишлатилса, у ўз шахсини бузғунчилик ва жиноят содир этиш орқали кўрсатишга ҳаракат қилади.

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг муомаласи муҳим ўрин тутди. Бола ота-она томонидан қўпол, дағал сўзлар эшитиб, калтак еб катта бўлса, бу унинг табиатига салбий таъсир қилади. Оиладаги носоғлом муҳитда тарбияланаётган боладан эса “маънавий касал” инсонлар шаклланади. Улар жамият маънавиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Оилада ота-оналар “оммавий маданият” таъсирига берилиб кетиши оқибатида фарзандларининг тарбияси ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Оиладаги муҳит ота-она ўз масъулиятларини ҳис қилиши билан барқарор бўлади. Болаларнинг одобли бўлиб улғайиши учун ота-она билан бир қаторда маҳалла-кўй ҳам катта ибрат мактабидир. “Қуш уясида кўрганини қилади”, деб бежиз айтмаган халқимиз. Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олийжаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун



унинг атрофидагилар ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолатда уларга таъсир қиладилар. Оиладаги қўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради. Ҳозирги даврда жаҳонда глобаллашув жараёнларини кундалик ҳаётимизга тез суръатлар билан ҳамма соҳаларда кириб келиши ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётимизда давлатлар, минтақаларро боғланишимизда ижобий таъсир кўрсатаётган бўлса-да, лекин иккинчи томондан, бу жараён ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир кўрсатишнинг ўткир қуролига айланиб бормоқда. Айнан таълим, маърифат башариёт фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади.

Хуллас, болага руҳий ва тан жароҳати етказилса, у бошқаларга нисбатан шундай ҳаракат қилишдан қўрқмай кўяди. Ота-она фарзандини илм олишга рағбатлантириши, ўқиши учун зарур шароитни яратиб бериши керак. Шунингдек, ота-она билан ишлаш, уларга бола парвариши ва тарбиясини ўргатиш жуда муҳим. Чунки ўсмирлар жиноятчилиги кўпинча уйдаги муҳит билан боғлиқ бўлади. Ўсмирлар психологияси жуда нозик бўлиб, бу ёшдаги арзимаган ҳаракат ҳам уларнинг ким бўлиб улғайишига таъсир қилади. Ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг кўпаймаслиги учун оиладаги муҳитни яхшилаш, ота-оналарнинг саводхон бўлиши жуда муҳим ҳисобланади. Халқаро тадқиқотлар натижаларига кўра, болада ўз хатти-ҳаракати оқибатини

билиш 25 ёшдан кейин тўлиқ ривожланади.

Дарвоқе, инсоният пайдо бўлибдики, энг долзарб вазифа – ёшлар тарбияси масаласи бўлиб келган. Барча аллома, мутафаккирлар, миллатнинг зиёлилари жамият ривожини, мамлакат фаровонлигини, тинчлигини хотиржамлигини ёшлар тарбияси билан боғлаганлар. Бу бежиз эмас. Қаерда тарбия масаласини таълим, миллий қадрият, анъаналар, менталитет билан узвий боғлиқликда ҳал этишга ҳаракат қилинган бўлса, ўша жойда ривожланиш, тараққиёт бўлган. Ёшлар таълим-тарбиясида эътиборсизлик қилган жойда эса инқирозлар, миллий ўпирилишлар содир бўлган. Комил инсон тарбияси ҳамма даврларда ҳам муҳим ижтимоий вазифа ҳисобланиб, яхши тарбияли инсонга жамият бойлиги деб қаралган. Инсон зийнати у эгаллаган билимлари билан ўлчанган. Биз фарзандларимизга таълим-тарбия бермоқчи эканмиз, аввало, уларга ватанни севишни ўргатишимиз, халққа хизмат қилиш руҳида тарбиялашимиз лозим. Муаррихларнинг ёзишича, Геродот Шарққа қилган сафарлари чоғида Миср эҳромларидаги бир битикка ажабланган: “Ёшларнинг тарбияси бузилиб кетяпти. Нима қилиш керак?!” Муаррих бу ёзувни ўқиганига ҳам икки минг йилдан ошиб кетди. Ёзувнинг битилганига эса ким билсин қанча вақт бўлган? Демак, ёшлар масаласи ҳаммиша ўз долзарблигини йўқотмаган, бунга ҳамма даврларда ҳам турли даражада муносабат билдирилган экан-да. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида

тарбия “ривожлантириш, парвариш қилиш, ўстириш, ўргатиш, илм бериш” сингари маъноларни англатиши ёзилган. Миллий тарбия тарихининг атоқли намояндлари Фитрат ва Абдулла Авлоний қарашларида “тарбия” сўзининг маъно қамрови таълимга қараганда бирмунча кенгдир, ҳатто таълим мазмун-моҳияти жиҳатидан фикр тарбияси ёки ақл тарбияси сифатида тарбиянинг таркибий қисми саналади. Умуман, тарбия сўзида ёшларни баркамол авлод сифатида тарбиялаш тушунилади. Яъни, содда қилиб айтганда, тарбияли бола баркамол авлод, демакдир.

Зеро, ёшлар келажак бунёдкори, эртанги кунимиз эгаларидир. Шу боис, ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг ҳаётда баркамол шахс сифатида камол топиши учун зарур шарт-шароит ва имкониятлардан кенг фойдаланиб, ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб боришимиз зарур. Бу эса ўз навбатида, фарзандларимизнинг баркамол етук инсон бўлиб етишишларида катта роль ўйнайди. Ўзбекистондаги ёшларга оид давлат сиёсати бугун ўз амалий ифодасини кўрсатмоқда. Бунга ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни олий маълумотли қилиш, касб-ҳунар ўргатиш, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кўмаклашиш, креатив ғоялар, стартап лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш, болаларни соғлом вояга етказиш каби қўллаб-қувватлашларда гувоҳ бўлишимиз мумкин.

**А.ҚОБИЛОВ тайёрлади.**

